

**Олимжон РАҲИМИЙ**

**ИККИ  
ТОМЧИ ЁШ**

*(ҳикоя ва қисса қаҳрамонларининг севинч ёшлари)*

Андижон - 2020

Олимжон Раҳимий. Икки томчи ёш. Ҳикоя ва қисса  
қаҳрамонларининг севинч ёшлари. “Андижон нашриёт-матбаа”  
МЧЖ, 2020 йил, 264 бет

© О.Раҳимий, 2020 йил  
© “Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ,  
2020 йил

## ИЖОДКОР НИЯТИ


Шоир кўпу, носир кам деб, шу соҳанинг оқсоқлиги, камбағаллигидан қайғуриб юрардим. Кейинги йилларда «Холис» газетамиз тахририятига узлуксиз келаётган воқеий ҳикоя, бадий ҳикоя, қиссаларни ўқиб ташвишим хийла арий бошлади. «Наср - оғир карвон, назм - чопағон» деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, шеърнинг иши анча осон, газета-журналдан катта ўрин эгалламайди, шу боис у тезроқ юзага чиқиб, шоир номи ўқувчилар кўзига, эътиборига тезроқ ташланади. Насрий асарлар кўп жойни эгаллагани учун газета, журнал ходимлари, муҳаррирлари беихтиёр мулоҳазага боришади; бу ҳикоя ё қисса бошқа, ҳар турли қизиқарлироқ мавзудаги қанча материалларнинг ўрнини ишғол этади. Хўш, шунча жойни эгаллаган ҳикоя ё қиссанинг самараси қандай бўлади? Газетхон уни суйиб ўқийдими, ўқиб, завқ ё бошқа бир ибрат оладими? Ўша асарни ўқигани кетган қимматли фурсатига ачинмайдими, шунча катта нарсани босишган тахририят ходимларидан нолимайдими? Йўқ, агар яхши, ўқишли, завқли, нимадир берадиган, ўқувчи қалбини озиқлантирадиган, тафаккурини бойитадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган, маълум бир ҳаётий хулосалар берадиган асар бўлса, газетхонни ҳам, тахририятни ҳам оғринтирмас экан.

Мен йиллар давомида ўз нашримизда чоп этилаётган ҳикоя, қиссалар тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазалардан ана шундай тўхтамга келдим. Жумладан, Комилжон Нишонов, Тўлқин Сиддик, Дурбек Қўлдошев, Нигора Сайдалиева, Фани Мажид, Ҳайдарали Мамиталиев, Ҳамиджон Ўтанов, Абдумалик Жўрақулов, Шерзод Деҳқонов каби муаллифларимизнинг турли жанрдаги асарлари адабий жамоатчилик ва газетхонлар эътиборини қозониб келмоқда.

Шоир ва адиб Олимжон Раҳимовни ҳам ана шулар сирасига киритиш мумкин. Катта авлод ижодкорларига мансуб О.Раҳимов заҳматкаш ва сермахсуллиги, танлаган йўналиши ва адабий жанрларининг турфалиги билан ажралиб туради. Лекин унинг асарларига хос бир уйғунлик бор: адиб қиссами, ҳикоями, ҳажвми, ривоятми – қайси жанрда қалам тебратмасин, уларнинг бари ҳаётий воқеага асосланади ва умрнинг нақадар улуғ неъматлиги,

ана шу улуғ неъмат ато этилган инсоннинг аслида азизу ва мукаррам қилиб яратилгани, банда ана шу улуғ унвон ва имтиёзларга муносиб бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғоя ётадики, бу муаллиф ижодининг асосий моҳиятини белгилайдиган омилдир. Бинобарин, О.Раҳимовнинг ўз китобларидан бирига донишманд шоир Рудакийнинг «Кимки олмаса гар ҳаётдан таълим, Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» деган ҳаётий ҳикмат ифодаланган байтини эфиграф сифатида келтириши ҳам бежиз эмас. Адибнинг бошқа тўпламларидаги каби, янги китобига кирган ибратли ҳикоялари («Жасоратли келин», «Эсда қолган танбех», «Икки хотинли бригадир», «Ҳожи бобо, дуо қилинг», «Отамнинг ёнида онам ўтирмади» ва бошқа...)нинг мазмун ва мундарижаси ҳам ана шу шиор-ақидага тамомила мосдир. Зотан, қўлига қалам тутганки ижодкорнинг аввал - охир нияти, орзуси китобхонни эзгуликка етаклашдан, дунёни, одамларни пок, мусаффо кўришдан иборат, Олимжон Раҳимовнинг ёзмишлари маъноси ҳам унинг ниятларига мувофиқдир.

**Қамчибек КЕНЖА,**  
ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



*Ушбу китобимни 10 та фарзандимнинг онаси  
Ҳабибахон ҳожи ая таваллудининг  
75 йиллигига бағишлайман.*

**МУАЛЛИФДАН**

Азиз ўқувчим, ушбу китобимни «Икки томчи ёш» деб номладим. Инсоннинг кўзидан чиқадиган ҳар бир томчи ёш турли сабаблар билан, эгаси билмаган ҳолда чиқади, оппоқ юзида пайдо бўлади. Инсон ниҳоятда севинганда, узоқ кутган одами тўсатдан келиб қолганда, севгилиси билан холи жойда учрашганда, қандайдир ютуқ ёки бирор ғалабага эришганда, оғир бир дарддан ҳориж бўлганда икки томчи ёш пайдо бўлади. Бу томчи ёшни халқимиз «Севинч ёшлари» дейди.

Покиза чехраларга тушган беғубор томчиларни ҳар қандай инсон шодлик ва мамнунлик билан артади. Бу ёшлар қайғу-алам, айрилиқ – ҳижрон ёшлари эмас!

Ҳикоя ва қисса қаҳрамонларининг севинч ёшлари дилларидаги қувонч ва шодликларининг ёрқин намунасидир, орзу ва умидларига, ният ва мақсадларига етишишларининг рамзий белгисидир!

**18.09.2019 йил.**



## ШОИР ОЛИМЖОН РАҲИМИЙНИНГ ПОЭТИК МАҲОРАТИ

Ўзбек адабиётида мумтоз шеърятимизнинг мураккаб жанрларида баракали ижод этган шоирлар сони кўпчиликни ташкил этади. Бу борада Андижон адабий муҳитининг ўрни алоҳида таҳсинга сазовордир. Ўзбек мумтоз адабиётининг қадим-қадим даврларига назар солсак, XV-XVI асрларда яшаб ижод этган, қисқа умр кўрсалар-да, аммо ўзбек адабиётида аруз илми ривожланишига катта ҳисса қўшган, аруз назариясига оид “Мухтасар” номли асарини яратган ҳамда салмоқли ҳажмда “Девони Бобур”ни ёзган Захириддин Муҳаммад Бобур бошлаган анъанани давом эттирган Нодира, Жаҳон отин Увайсий, Оразий, Ҳабибий, Собир Абдулла, Улфат, Анисий, Боқир, Ҳошимжон Раззоқов, Восит Саъдулла, Нусрат Абдусалом, Фарид Усмон, Ёлқин (Ҳурибой Мирзакаримов) ва бошқа кўплаб муборак номлари тилга олинмаган қадрли шоирларимиз каторида Асаканинг Қайрағочарик қишлоғида туғилиб ижод этган Олимжон Раҳимийнинг ҳам номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Чунки шоир мумтоз шеърятнинг аруз вазнида узоқ йиллар ижод этдилар. Ўзбек адабиётига, хусусан, Андижон адабий муҳитининг камол топишида баҳоли қудрат муносиб ҳисса қўшди.

Олимжон Раҳимий ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиётига кириб келди. Шоир мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берганликлари сабабли бўлса керак, ўз ўқувчиларига сабоқ бериш давомида аруз илмини қунт билан ўрганди. Нафақат ўрганибгина қолмай, балки ижод оламида ўз ғазалларини ёзиш билан қаламини синаб кўрди. Дастлаб туман газетаси – «Асака ҳаёти»да, кейинчалик вилоят ва республика миқёсида ўз ғазаллари билан кенг адабий жамоатчилик эътиборини қозонган шоир Олимжон Раҳимий ижоди мустақиллик йилларига келиб янада гуллаб-яшнади.

Шоир ўз ҳаёти давомида ёзган барча шеър ва ғазалларини жамлаб янги тўпламлар эълон қилди.

Олимжон Раҳимий қаламига мансуб «Умр қўшиқлари», «Кўнгил дафтари», «Пок туйғулар», «Дилимдаги мисралар», «Кўнгил мулки» ҳамда «Покиза туйғулар» каби қатор шеърый тўпламлар фикримизга яққол мисол бўла олади.

Гарчи, шоирнинг бармоқ вазнида ёзилган шеърлари ҳам эътиборга молик бўлса-да, унинг аруз вазнида яратган асарлари кўпчиликини ташкил қилиб, шоир адабий меросининг катта қисмини ташкил этади.

Олимжон Раҳимий ёшлик йилларида ўзгача ҳавас билан ғазаллар яратиб юрган бўлса, XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида баракали ижод қилиб, мумтоз шеърятимизнинг мухаммас, мусаддас, мустазод, муаммо, маснавий, чистон, рубоий, туюқ ва қитъа каби жанрларида ҳам ўз қаламининг кучини синаб кўрди ҳамда буни муваффақиятли адо этди. Натижада, унинг «Покиза туйғулар» номли янги девони дунёга келди.

Девон яратиш ҳар бир шоирнинг энг юксак эзгу орзуси ҳисобланади. Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, улуғ мутаффакир шоир Алишер Навоий аруз назариясига доир «Мезонул-авзон» номли илмий асарини яратиб, адабиётимизда ўнга яқин девон яратган. Ўша давр адабий жамоатчилиги ҳамда шахсан, Алишер Навоийнинг фикрича, девон тузмаган шоир шоир деб тан олинмаган.

Шу нуқтаи назардан қарасак, замонамизнинг ҳақиқий шоирларидан бири Олимжон Раҳимий ҳам ўзининг ҳаққоний шоир эканлигини исбот этиб, «Покиза туйғулар» номли девонини эълон қилди.

Бундай бахт камдан-кам шоирга насиб этади, албатта. Ушбу ютуқ билан шоир Олимжон Раҳимийни муборакбод этамиз.

Шоир адабий меросини икки катта даврга бўлиб ўрганишимиз мумкин:

1. Ўзбекистон Мустақиллигигача бўлган давр.
2. Мустақилликдан кейинги давр.

Олимжон Раҳимий Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан сўнг баракали ижод қилди. Унинг энг кўп илмий, тарихий ва шеърӣ тўпламлари шу даврда эълон қилинди.

«Покиза туйғулар» шоир ижодининг чўққисидир. Девонга унинг 400 га яқин ғазаллари, 50 дан ортиқ мухаммаси, 5 та мусаддаси, 2 та мустазоди, 6 та муаммоси, 2 та маснавийси, 6 та чистони, 22 та туюқи, 22 фарди, 4 та қитъаси ҳамда 100 дан ортиқ тўртлиги киритилган.

Ўз-ўзидан аёнки, девоннинг энг катта қисмини ғазаллар ташкил этади.

Ғазал – ўзбек мумтоз адабиётида, умуман олганда, Шарқ адабиётида энг кўп тарқалган шеърий жанр. Деярли, барча мумтоз шоирлар ўз қаламини ғазал жанрида синаб кўрганлар. Ғазалнавислик мумтоз адабиётимизга хос ижодий анъанадир. Жумладан, Олимжон Раҳимий ҳам ўз қаламининг кучини худди шу жанрда синаб кўрди ҳамда муносиб муваффақиятга эришди.

Мумтоз шеъриятда 200 дан ортиқ шеърий санъат мавжуд бўлиб, ўтмишдаги шоирлар ана шу санъатларнинг айримларинигина қўллаб кўрганлар. Олимжон Раҳимий ғазалларида ҳам кўплаб мумтоз шеърий санъатларни учратишимиз табиий. Чунки ғазални шеърий санъатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар биз ғазални келинчакка қиёсласак, шеърий санъатлар унинг беағидир. Бошқача айтганда, ғазал шеърий санъатсиз куп-курук баёнга айланиб қолади.

Шеърий санъат бир томондан ғазални беаб турса, иккинчи томондан шоирнинг бадиий маҳоратини намойиш этади.

Шу нуқтаи назардан олганда, шоир Олимжон Раҳимий ижоди ҳам диққатга сазовордир. Шоирнинг «Покиза туйғулар» девонига қўйилган номнинг ўзи ҳам санъат асосига қурилган. Негаки, шоир ўзи яратаётган жамики лирик асарларни китобхонга покиза туйғулар меваси тарзида тақдим этмоқда.

Девондан жой олган «Мени, ўлганни, ўлдирма», «Лаззатмиди, дилбар, сенга», «Бўлдим ошно асоларга», «Қайчи солди бераҳм», «Қаро кўзлар қаросига», «Нозик адо ноз уйқуда», «Йиғлади ёр тонггача», «Раҳми келмай ўтди дилбар» ва бошқа кўплаб ғазалларида шоир мумтоз шеърий санъатнинг ўнлаб хилларидан фойдаланганки, бу китобхон қалбида ўзгача лирик ҳис-туйғуларни уйғотади ҳамда ғазалсевар мухлисларга чексиз завқ-шавқ бағишлайди.

Мана, ўша санъатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

***Агёр ила сен дўстлашиб, мени, ўлганни, ўлдирма,  
Қалбинг очиб суҳбатлашиб, мени, ўлганни, ўлдирма.***

Ушбу байтда «агёр» ва «дўст» сўзларини қўллаш орқали «тазод» (карама-қарши маъно) санъати юзага келган.

Ёки:

***Оғзида қантму асалму ногихон боқсам анга –  
Ғунчадек лаб қимтинарди сўзлаётган чоғида.***



Бу байтда «қантму асалму» дея билиб-билмасликка солиш («тажоҳули орифона») ҳамда «ғунчадек лаб» дея ўхшатиш («ташбеҳ») санъатлари қўлланилган. Қуйидаги байтларда эса шоир «мушоира» санъатидан фойдаланган:

*Мен дедим: меҳмон экансиз, сиз учун мезбон бўлай,  
Айди: лойиқ мезбоним бор, қолмангиз қийноғида.*

*- Сиз нечун бунда юрарсиз?-деди охир қош буриб,  
Мен дедим: «Маишрабсифатман бир гўзалнинг доғида.*

Биринчи байтдаги «меҳмон» ва «мезбон» сўзлари ҳам таносиб санъатини, яъни ўзаро мансуб сўзларни қўллаш усулини вужудга келтирган.

Мана бу байтларда эса мумтоз шеърятга хос «талмеҳ» (яъни тарихий ёки афсонавий қаҳрамонлар номини қўллаш) санъатининг намунасини кўрамыз:

*Қайс Маженун бўлмас эди, Лайло бўлса, ёнида,  
Тоҳир нобуд бўлмас эди, Зухро бўлса ёнида.  
Зиндонларда қийнамасди Юсуфни ҳеч Зулайҳо,  
Аёлларга муносиб бир ҳаё бўлса ёнида.  
Ўзга юртда қолмас эди Фурқат билан шоҳ Маишраб,  
Дилларини ёритувчи зиё бўлса ёнида.  
Қабристонга кирмас эди, беҳуш бўлиб Отабек –  
- Ўша сизми, бегим? – деган садо бўлса ёнида.  
Ғазалларга солмас эди дардларини Раҳимий,  
Ёшлигини хазон қилган Зебо бўлса ёнида!...*

*(Юқоридаги китоб. 16-бет).*

Мумтоз шеърятнинг тажнис, яъни омоним (шакли бир хил, аммо маъноси ҳар хил) сўзларни қўллаш кўпроқ туюқ жанрига мансуб шеърларда учрайди. Олимжон Раҳимий ҳам бу борада кўплаб туюқлар ёзиб, тажнис санъатининг гўзал намуналарини яратган.

*Табриклайман, азиз устоз, Сизни улуг ёш билан,  
Узоқ йиллар ишладингиз юзлаб, минглаб ёш билан,  
Кексаликнинг гаштин сулинг, оқсоқолсиз, севининг,  
Гул келтирдим кўзларимда севинч тўла ёш билан.*

*Исмин айтмай, севганимдан дейман: ойим,  
У ёр эмас, осмондаги менинг ойим,*

***Олийгоҳда дилларимиз пайванд бўлган,  
Она юрти Асакамас, узоқ Ойим.***

Юқоридаги туяқларда «ёш билан» бирикмаси ҳамда «ойим» сўзи мумтоз шеърятнинг тажнис санъатини ифодалаган. Бу каби мисолларни девондан жуда кўплаб келтириш мумкин.

Олимжон Раҳимийнинг поэтик маҳорати нафақат шеърини санъатларни қўллашда, балки ажойиб қофиялар ҳамда ўзига хос аруз вазни баҳрларидан фойдаланишда ҳам яққол кўзга ташланади. Шоир бир байтида шундай дейди: (Оллоҳга бағишланган ғазалида)

***Тилимдан тушмагай номинг, дилим сақлар каломингни,  
Адо этмоқдаман фарзинг, бўлиб доим тадорингда.***

Ушбу байтдаги «тадорингда» сўзи шоир томонидан яратилган топилма қофия. Чунки шоир «ихтиёр», «диёр», «баҳор», «эътибор» каби қатор қофиядош сўзларга «тадор» сўзини қофия тарзида келтиради. Натижада, арабча «тадор» сўзи ажойиб қофияни юзага чиқаради. Араб тилидаги «тадорук» сўзи «ўринсиз кетган нарсаларни ўрнига келтириш», «илож, чора» ёки «йўл қўйилган хатони тузатиш» каби маънони англатади. Олимжон Раҳимийнинг бадий маҳоратини қарангки, китобхонга демоқчи бўлган гапини еткази олиш билан бирга, қофияга ҳам шикаст етказмаган ҳолда «тадор» сўзидан жуда гўзал қофия яратишга эришган.

Яна бир ғазалида шоир шундай ёзади:

***Қибладан эсан шамоллар тарқатиб райҳон исин,  
Кетгиси келмас сира ҳам катта тоғ нарёғига.***

Ушбу байтдаги «нарёғига» сўзи «қишлоғига», «тупроғига», «япроғига», «ардоғига», «қирғоғига», «боғига» каби сўзлар билан қофиядош тарзда келтирилган. Бу ерда шоир «тоғнинг нариги ёғига» демоқчи бўлган. Агар жумлани шундай келтирса, вазн ҳам бузиларди, қофия ҳам чиқмасди. Олимжон Раҳимийнинг шоирлик маҳоратини қарангки, оддий сўзлашув услубидаги вариантни қўллаган ҳолда «нарёғига» тарзида ажойиб қофиядош сўз топади ҳамда ўз фикрини китобхонга осон етказиш йўлини кашф этади.

Аруз вазнининг ўйноқи баҳрларида қуйидагича ғазаллар битиб, китобхонларга хуш кайфият бахш этиш ҳам Олимжон Раҳимийнинг поэтик маҳоратидан дарак беради:

***Эсингиздан чиқдим, парвонаман, дегансиз,  
Сиз қуёшсиз мен эса, сайёраман, дегансиз.***



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/5300> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5300> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5300>